УШБУ СОНДА:

2 ТАҚДИМНОМА ТАНҚИД ЭМАС

ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ!

3 ДЕЛИКТ ЖАВОБГАРЛИК НИМА?

4 БАРУХ СПИНОЗА: АНГЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 14 (321)
2003 йил
8 АПРЕЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи), ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 5-МОДДА

9 апрел — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ







Соҳибқирон Амир Темур барпо этган буюк давлат ва унинг ворислари бўлган темурийлар идора қилган салтанатлар жаҳон тарихида улкан из қолдирди.Бу сулола вакиллари салкам беш юз йил давомида юрт бошқариб, инсоният маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Шу ўринда савол туғилади: Амир Темур қай йўсинда бундай давлатни барпо қилишга эришди? Бу давлат ўз-ўзидан шундай пайдо бўлдими? Унинг сарчашмалари қаердан бошланади? Бу саволларга жавоб бериш учун Амир Темурнинг давлат тепасига келиши тарихини ўрганиш лозим. Албатта, Соҳибқиронга буюк аждодларимиз тажрибалари катта кўмак берган. Аллома боболаримизнинг пурҳикмат рисолалари, саркардаларнинг жанг русумлари, давлатларнинг қонун-қоидалари, тўра-тузуклари — барча-барчаси Соҳибқироннинг тафаккурини бойитган омиллар эди. Улар билан танишиш, теран ўрганиш ҳайратомуз самаралар берди. Билим олмоқ яхши, бироқ олинган билимни ўз тажриба синовидан ўтказиб, ҳаётий хулосалар чиқара олиш, муҳими, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалда кўрсатиш фақат даҳоларнинг қўлидан келадиган ишдир. Шу маънода Амир Темурни ҳеч иккиланмай буюк аллома дейишимиз мумкин. У ўзининг машҳур «Тузуклар»ида шундай дейди: **«...Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма(дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин. Токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.»**

Маълумки, Шарқда қадимқадимдан одил подшо, саодатли мамлакат ҳақида ғоялар мавжуд бўлган. Табиийки, бу ҳақда аллома-ларимиз турли рисолалар, қўлланмалар, панд-насиҳатлар ва маслаҳатларга бой китоблар ёзиб қолдирган. Чинакам салтанат соҳиби бўлмоқни истаган, миллат равнақи йўлида машаққат чекмоқни ўзига шараф билган арбоблар бундай китоблардан ўз фаолиятларида унумли фойдаланган. Ана шундай китоблардан бири Абу Наср ал-Форобийнинг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» рисоласи ҳисобланади. Уни ҳар жиҳатдан етук шаҳар кишиларининг фикрлари, деб изоҳлаш ҳам мумкин. Гарчи бирон ерда Амир Темурнинг ушбу китобга муносабати ҳақида маълумот айтилмаган бўлса-да, Соҳибқирон ҳам бу китоб билан шубҳасиз таниш бўлган.

Буюк бобокалон Абу Наср ал-Форобий ер юзида кишилик жамияти, унинг шакли бўлган фозил шаҳар ва фозил шаҳар бошлиғи тўғрисида ёзар экан, ўша бошлиқ (раис, ҳоким, умуман, раҳбар маъносида) ўзида ўн икки хислат-фазилатни мужассам этмоғи керак, дейди. Сўнг ушбу фазилатларни бирма-бир таърифлаб чиқади. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу таърифларни ўқиганда, бевосита Амир Темур сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади. Гўё аллома ўзидан беш юз йиллар кейин дунёга келадиган авлоди — Соҳибқирон фазилатларини санаб ўтгандек. Тўғрироғи, бунинг сабабини Амир Темурнинг ўша рисолани ўқиб, рисоладагидек фозил раис, одил подшо бўлишга ҳаракат қилганлигидандир, деб билмак жоиз.

Бу ўринда комил инсонлик талабларини назарда тутиш зарур. Агар ушбу фазилатлар таърифини Амир Темур ҳаёти пиллапоялари билан муқояса қилиб кўрилса, ажойиб манзаралар намоён бўлиши шубҳасиз. Ушбу фазилатлар тажассумини Амир Темур сиймосида кўра оламиз. Соҳибқирон узугида «Куч — адолатдадир» сўзлари нақш қилинмиш эди. «Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим», дейди ўз «Тузуклар»ида. Яхшиси, Амир Темур шахсига очиқ ғараз билан ёндашувчи араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг ушбу таърифига диққат қилайлик: «...Темур қанчадан-қанча даҳо ва хуфёна фикру заковатга эга эди.-..Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ... У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилхушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди... Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, ғорат қилиш ва қарам (ҳақи)га ҳақорат гаплар бўлмасди. У беҳато(нишонга ургувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй киши эди...»

Бу боя айтганимиздек, ғаразгўй тарихчининг таърифи эканлигини назарда тутсак, Амир Темурнинг комил инсон сифатида Абу Наср ал-Форобий қўйган талабларга тўлиқ жавоб бера олишини англаймиз.

«Темур тузуклари»ни варақлаганда, Соҳибқироннинг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» китобидан бохабар эканлигини исботловчи яна бир ҳолни кузатиш мумкин. Соҳибқирон ҳам китобда фозил раисга хос бўлган ўн икки фазилат борасида ўз фикрини билдирди. «Мен, — дейди у, — ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим...» Ҳайратланадиган жойи шундаки, «ўн икки нарса»даги ҳамда «Салтанатни ўз эркимда сақлаш учун амал қилган тузугим» бобидаги жуда кўп жиҳатлар Абу Наср ал-Форобий келтирган фазилатлар билан уйғунлашиб кетади. Масалан, подшоҳ ўз сўзига эга бўлиши лозим, ҳар нарсада адолатпеша бўлиши керак, адолатли вазирлар сақлаши даркор ва ҳоказо. «...Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим... — дейди Соҳибқирон. — Тўртинчидан, очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.»

«Соҳибқирон салтанат корхонасининг тузуки»ни тузар экан, салтанат кишиларини ўн икки тоифага бўлади ва ҳар бир тоифанинг таърифини келтириб, вазифаларини белгилаб чиқади. «Ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этгани»ни таъкидлаган Амир Темур.

Амир Темур юрт бошига келишдан аввал аждодлар тажрибасини чуқур эгаллаб, салтанатни пухта тузилган тузук ва низомлар асосида бошқариш сирларини ўрганган эди. Амир Темур давлати теп-текис ерда пайдо бўлмади, балки ўтмишда чуқур из қолдирган давлатларимиз давомчиси сифатида бўй-баст кўрсатди, ўзбек давлатчилигининг юксак чўққиси сифатида намоён бўлди. Подшолик — оғир меҳнат эканлигини англаб етган Соҳибқирон «азму жазм билан иш тутиб», қудратли давлат барпо эта олди. Буни «Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим...» деган самимий сўзлар ҳам исбот этади.

Амир Темур мулку миллат йўлида фидойилик кўрсатган чинакам халқ яратган даҳодир. У хон авлоди эмас, халқ ичидан ўсиб чиққан буюк давлат арбоби ҳисобланади. Президент Ислом Каримовнинг Темурийлар тарихи давлат музейи очилишига бағишланган нутқида айтилган **«Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир!..»** деган ҳақ сўзлари ҳамон қулоқларда жаранг бериб турибди.

Бу ёркин сўзлар жарангининг мангу эканига асло шубҳа йўқ!

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

O'ZBEKISTON ва дунё
кеча, бугун, эртага

☑ *Президентимизнинг "2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.*

☑ *Олий Мажлисда "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Хоразм вилоятида ижро этилиши масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

☑ *Термиз шаҳрида Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ва ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган ўзбек кураши бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнири бўлиб ўтди.*

☑ *Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида яна бир дам олиш маскани — Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли "Олтин олма" оромгоҳи иш бошлади.*

1 АПРЕЛ — КУЛГИ ВА ҲАЗИЛ КУНИМИ?

Мазкур байрам деярли ҳеч қайси давлатда расман тан олинмаган бўлса-да, у кўплаб давлатларда кенг нишонланди. Одессада эса 1 апрел дам олиш куни деб эълон қилинди.

БИНОГА УРИЛГАН САМОЛЁТ

Ўтган ҳафта унча катта бўлмаган самолёт АҚШнинг Массачусетс штатида жойлашган Леоминстер шаҳридаги бинолардан бирига бориб урилди. Бунинг натижасида бинода кучли ёнғин келиб чиқди ва ўн нафарча киши ҳалок бўлди.

АШАДДИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР РЎЙХАТИ

Англия полицияси илк бор «Интернет» орқали қидирувда бўлган ўн нафар ашаддий жиноятчининг рўйхатини эълон қилди. Унда жиноятчиларнинг фотосурати ҳамда улар томонидан содир этилган жиноятларнинг қисқача тавсифи ҳам берилган.

САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Ҳиндистон Ҳарбий Ҳаво Кучларига қарашли бўлган "МиГ-23" русумли ҳарбий самолёт жума куни Панжоб штатининг Муллапур Даха қишлоғи яқинига қулаб тушди. Фалокат натижасида беш киши ҳалок бўлди.

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ



Европа космик агентлиги Ойни тадқиқ этишга мўлжалланган "Smart-1" русумли янги космик сунъий йўлдош бунёд этди. Ушбу космик аппаратнинг баҳоси 108 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг парвози июл ойининг ўрталарига мўлжалланмоқда. Йўлдошнинг космосдаги саёҳат муддати икки йил деб белгиланган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу сунъий йўлдош бирлашган Европанинг дастлабки космик аппаратидир.

ГАРОВДАГИ КЕМА

Кубада тўрт нафар қуролланган жиноятчи бортида 50 нафар йўловчи бўлган паромни қўлга олишди. Улар ўзларининг АҚШга етиб олишига имконият яратиб беришини талаб қилмоқда. Шунингдек, жиноятчилар агар тез фурсатларда паромни ёқилғи билан таъминлашмаса, гаровдагиларни денгизга улоқтиришлари мумкинлигини айтишмоқда.

АНТИҚА КИМОШДИ САВДОСИ

Куни кеча машҳур инглиз сайёҳи Жеймс Кук ўлдирилган қотиллик қуроли — камон Шотландияда ўтказилган кимошди савдосида 135 минг фунт стерлингга сотилди.

"ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетда чоп этилган "Инсон қадри" сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, ушбу ҳолат юзасидан 2002 йилнинг 22 ноябр куни Чироқчи туман ИИБ тергов бўлими катта терговчиси Ш.Қодиров томонидан Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган. 27 декабр куни эса ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми билан "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Президент Фармонининг 5-моддасига асосан айблилик масаласи ҳал этилмай туриб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилган.

Ушбу жиноят иши вилоят прокуратурасида ўрганиб чиқилганда дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмагани, Н.Қўлабовга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш чоралари кўрилмагани ва ҳодиса ҳолатига холисона баҳо бериб, аниқлик киритилмагани ва бошқа қатор жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу боис 2003 йилнинг 29 январ куни Чироқчи туман ИИБ тергов бўлими катта терговчиси Ш.Қодировнинг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун вилоят ИИБ Тергов Бошқармасига юборилди.

Мазкур жиноят ишининг қўшимча тергов ҳаракатлари яна Чироқчи туман ИИБ тергов бўлими катта терговчиси Ш.Қодиров томонидан олиб борилиб, шу йилнинг 24 февраль куни ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми билан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонининг 5-моддасига асосан айблилик масаласи ҳал этилмай туриб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилган. Ушбу жиноят иши вилоят прокуратураси томонидан қайта ўрганилганида жиноят иши бўйича тўпланган материалларга холисона баҳо берилмагани, жабрланувчи Қўлабов Нуралининг кўрсатмаларидаги важлар тўлиқ текширилмагани, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш чоралари кўрилмагани, айбланувчи Ш. Аҳмедов ва жабрланувчи Н.Қўлабовлар батафсил сўроқ қилиниб, улар ўртасида юзлаштириш ўтказилмагани каби тергов камчиликлари мавжудлиги аниқланди. Шу сабабли шу йилнинг 4 март куни Чироқчи туман ИИБ тергов бўлимининг катта терговчиси Ш.Қодировнинг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун вилоят ИИБ Тергов Бошқармасига юборилди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

To`sqinlik

ҚОЛДИРИЛГАН "ЎЙИН"

Уйчи туманида яшовчи фуқаро Садриддин Турғунов 2001 йилнинг 20 мартида "Улуғбек" ширкат хўжалиги ҳудудидан 24 гектар суғориладиган ер ва 1,3 гектар арик-зовур — жами 25,3 гектар ер майдонини пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги тузиш учун ажратиб бериш тўғрисида мутасаддиларга ариза ёзди. Мазкур ариза ва унга қўшиб топширилган ҳужжатлар асосида Уйчи туман ҳокими 2001 йил 30 март куни 150-сонли қарор чиқарди. Қарорнинг учинчи бандида шундай дейилган эди: **"Турон" фермер хўжалигини ташкил этиш учун Улуғбек номидаги ширкат хўжалигининг 171-контурдаги 25,3 гектар экин майдони, шу жумладан, 12 гектар ерда пахта ва 12 гектар ерда ғалла етиштириш, 1,3 гектар ер арик-зовур учун 50 (эллик) йил муддатга ажратиб берилсин ва ер участкасини ижарага бериш шартномаси белгиланган тартибда тузилсин".**

Очиғи, туман ҳокимининг қарори "Турон" фермер хўжалиги аъзоларининг кайфиятини чоғ қилди. Улар белни маҳкам боғлаб, ишга киришди. Фермер хўжалиги 2001-2002 йилларда давлат режаларини ортиғи билан бажарди. Ҳамма иш рисоладагидек кетаётган эди. Лекин кутилмаганда шу йилнинг 5 март куни ширкат хўжалиги раиси А.Эгамбердиев қуйидаги мазмунда "Турон" фермер хўжалиги раҳбарига хат йўллади:

«Фермер хўжалигингиз томонидан фойдаланилган 171-контурдаги 24 гектарлик ер майдони ширкат хўжалигининг шу йил 12-феврал кунида бўлиб ўтган умумий йиғилиш қарорига асосан хўжалик ихтиёрига қайтарилгани ва хўжалик ихтиёрида бўлган 136-контурдаги майдондан фермер хўжалигининг фаолиятини юритиш учун ер майдони ажратилганини маълум қиламиз. Шунингдек, фермер хўжалиги бу йилги пахта ҳосили учун 136-контурдан 12 гектар майдонда баҳорги экиш ишларини бошлаши мумкин».

(Давоми иккинчи бетда)

Tashabbus va natija

ТУГАЁТГАН ТЎСИҚЛАР

БУНГА ЎТКАЗИЛАЁТГАН СЎРОВЛАР АСОС БЎЛМОҚДА

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида тадбиркорлик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Буни ўрта ва кичик бизнес субъектлари сонининг 19 мингтага яқинлашганида ҳам кўриш мумкин. Бироқ бу борада ҳали ечилиши керак бўлган муаммо ва камчиликлар жуда кўп. Уларни аниқлаш ва тегишли чора-тадбирлар белгилашда Адлия вазирлиги ташаббуси билан тадбиркорлар ўртасида ўтказилаётган сўров натижалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тадбирнинг узвий қисми ўлароқ Хоразм вилоятида фаолият юритаётган 600 нафар тадбиркор ўртасида сўров ўтказилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, вилоятда кичик ва ўрта бизнеснинг тараққиёти учун кўплаб тўсиқлар мавжуд. Хусусан, сўровда қатнашганлар тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш (120 нафар), ер ажратиш (108 нафар), кредит олиш (164 нафар), рухсатнома (лицензия) бериш (100 нафар), турғун савдо учун жой ёки бинони ижарага олиш (83 нафар)да белгиланган муддатларга риоя қилмаслик, қонунчиликда назарда тутилмаган ҳужжатларни сўраш (355 нафар) ҳоллари мавжудлигини билдиришган. Шунингдек, тадбиркорларнинг 20 нафари банкдаги маблағларидан эркин фойдалана олишмаётганини маълум қилишган.

Бундан ташқари, шартномавий муносабатларда ҳам қонунбузилиши ҳолатлари қайд этилаяпти. Мисол учун айтсак, сўралганларнинг 2 нафари етиштирилган ҳосилнинг давлат буюртмасидан ортиқча қисми қонунга хилоф равишда тортиб олингани, 273 нафари текширилган ашё ва маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган муддатларда ҳисоб-китоб қилинмагани, 52 нафари ҳосилдорлик миқдорини белгилашда ернинг бонитет кўрсаткичлари ҳисобга олинмаётганини кўрсатишган.

Бу ҳолатлар Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида ҳам ўз тасдиғини топаяпти. Хусусан, ўтган йил мобайнида ўтказилган текширишларда 81 марта давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари бузиш, 6 та маблағларни нотўғри жалб этиш, 574 та кредит ажратиш, 6012 та шартномавий мажбуриятларни бузиш, 63 та жавобгарликка тортиш ва 614 та бошқа ҳолатларда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган. Қайд этилган бундай рақам ва далиллар тадбиркорлик ҳаракати йўлида ҳали тўсиқлар мавжуд эканини кўрсатмоқда. Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳазорасп-лик якка тадбиркор Жумабой Маткаримов шартнома асосида тумандаги "Обод" ширкат хўжалигига 2 миллион 218 минг сўмлик маҳсулот топширган. Бироқ ширкат хўжалиги бошқаруви шартнома мажбуриятини ўз вақтида бажармади. Узоқ сарсонгарчиликдан сўнг қонун ёрдамида тадбиркорга топширган маҳсулоти ҳақидан ташқари 1 миллион 60 минг сўмлик устама ва 318,8 минг сўмлик жарима пули ундириб берилди. Бундан ташқари, хўжалик бош ҳисобчиси И.Мадраҳимов тадбиркорга ўз чўнтагидан 50 минг сўмлик жарима ҳам тўлади. Шу тариқа сунъий тўсқинлик тадбиркорнинг кўзлаган ишини орқага тортиш баробарида ширкат хўжалигига 1 миллион 378 минг сўмлик моддий зарар етказди.

(Давоми иккинчи бетда)

To`sqinlik

ҚОЛДИРИЛГАН "ЎЙИН"

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Табиийки, бундан таажжубланган Садриддин Турғунов дарҳол ширкат хўжалиги раисига бориб учрашди. Раис эса фермер хўжалиги раҳбари қўлига "бу менинг қарорим эмас, кўпчиликнинг фикри", дея шу йилнинг 12 феврал куни ўтказилган ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий ҳисобот йиғилиши қарорини тутқазди. Ушбу қарорда ёзилишича, йиғилишга таклиф этилган 617 нафар ширкат хўжалиги аъзосининг 470 нафари иштирок этган. Улар бир овоздан "Турон" фермер хўжалигига берилган ҳосилдор ер майдонини ширкат хўжалиги ихтиёрига қайтариб олиш ва фермер хўжалигига суғориш қийин бўлган экин майдонидан ер ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилишган. Хуллас, бир қарашда ҳамма нарса ўз ўрнида — эътирозга ўрин йўқ!

Бироқ "Турон" фермер хўжалиги раҳбари анойилардан эмас эди. У ширкат хўжалиги раисининг ҳузуридан қўл қовуштириб чиқиб кетмади. Аксинча, бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам беришларини сўраб Наманган вилояти адлия бошқармасига мурожаат этди.

Вилоят адлия бошқармаси унинг аризасини ўрганиб чиқиш учун Уйчи туман ҳокимлигига йўллади. У ердан қуйидаги мазмунда жавоб олинди: *«Улуғбек номидаги ширкат хўжалигининг шу йил 12 феврал куни бўлиб ўтган "Турон" фермер хўжалигининг ерини алмаштириш тўғрисидаги умумий йиғилиш қарори ўрганиб чиқилди. Ушбу қарор фермер хўжалиги раҳбарининг иштирокисиз ва фермер хўжалигининг розилик хати олинмасдан ўтказилгани учун туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланмади. 171-контурдаги 24 гектар ер майдони "Турон" фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилди»*. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси Уйчи туманидаги Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Эгамбердиев номига тақдимнома киритди.

Тақдимномада таъкидланишича, ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг "Турон" фермер хўжалигининг ер майдонини алмаштириш тўғрисидаги қарори амалдаги қонунларга зид равишда қабул қилинган. Чунки **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 12-моддасида баён этилишича, ***фермер хўжалигининг ерлари чегаралари, фермер хўжалиги бошлиғининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.*** Қолаверса, "Турон" фермер хўжалигининг ерларини олиб қўйиш учун Ер Кодексининг 36-моддасида баён этилган асослар йўқ.

Кўриниб турибдики, ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг "Турон" фермер хўжалиги ер майдонини алмаштириш тўғрисидаги қарори қонун талабларига мутлақо зид.

Шу сабабли у тезда бекор қилиниши лозим. Ўйлаймизки, бу иш яқин кунларда амалга ошади ва фермер хўжалиги яна ўз фаолиятини давом эттиради.

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти

Bugunning gapi

Ўтган йили Сирдарё вилоятидаги Оқ-олтин туманида давлатга пахта сотиш буюртма режаси бажарилмади. Ширкатларнинг барчаси, фермер хўжаликларининг аксарияти аро йўлда қолиб кетишди. Тумандаги мавжуд 241 та фермер хўжаликнинг 81 тасигина режани уддалаган, 63 таси ярмидан кўпроғини, 94 таси ярмини бажарган, холос. Яна 5 таси эса давлатга бир килограмм ҳам пахта топширмаган.

ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ!

Хўш, бундай қолоқликнинг сабаблари нима билан изоҳланади? Таҳлиллар шуни кўрсатдики, айрим фермер хўжаликларида белгиланган майдонларга чигит экилмаган ёки чигит номигагина экилиб, ҳосил етилмай қолган. Мисол учун О.Жомонбоев раислик қилган "Олмос" фермер хўжалиги 19 гектар ўрнига амалда 9 гектар ерга чигит қадаган. Шу боис режа 8,33 фоизгагина уддаланган, холос. Фермер томонидан эса пахта ҳосили учун келган 388461 сўмлик маблағ талон-тарож қилиб юборилган. Ш. Холов раис бўлган "Санақул ота" фермер хўжалиги ҳам давлатга пахта сотиш режасини бажармаган. Бунга 35 гектар ўрнига 12 гектар ерга чигит экилгани сабаб бўлган. Шундай бўлса-да, фермер тўлиқ майдонга чигит экилди, деб сохта ҳисобот бериб, пахта ҳосили учун келган 502842 сўмлик транш маблағларини ўз ҳамёнига ўзлаштирган.

Ҳар иккала фермер хўжалиги томонидан содир этилган мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд орқали жазо таъминланди.

Шу ўринда бу фермерлар нега шартнома мажбуриятларини бажармади, улар қонунлардан бехабарми, деган саволлар туғилади. Бунга жавоб тайин: масъулиятсизлик! Чунки ўз ишига масъулият билан ёндашган виждонли деҳқон, энг аввало, чигити ва ғалласини бехато ундириб олади, уларнинг парвариши билан ўз вақтида шуғулланади, юқори ҳосил етиштириш мақсадида жонини жабборга бериб меҳнат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 январ куни "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тумандаги ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Тендер танлови якунларига кўра туманда фермер хўжаликларининг сони 1000 тага етиши кутилмоқда.

Энди туманда бугунги дала юмушларининг аҳволига тўхталадиган бўлсак, кўпгина фермер хўжаликларида суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш, ерларни экишга тайёрлаш, буғдойни ўғитлаш ҳамда суғориш олиб борилаяпти. Аммо ҳамон четдан қандайдир буйруқ ёки ташаббусни кутиб турган фермерлар ҳам йўқ эмас. Очиғи, ҳали экин майдони шудгорланмаган, суғориш тугул экишга тузукроқ тайёрланмай турган фермер хўжаликлари ҳам талайгина. Тендер танловида эса тайёр ерларга эгалик даъво қилаётганлар, яъни буғдой экилган майдонларни талашиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Ҳолбуки, мутахассислар маслаҳатига кўра 15 мартгача ернинг шўри ювилиши, 20-22 мартгача ғалла ўғитланиб, суғориш ниҳоясига етказилиши, бундан ташқари, плёнка остига чигит экиш бошлаб юборилиши керак эди. Афсуски, ана шу талаблар тўлиқ бажарилмаяпти. Туман бўйича жорий йилдаги пахта ҳосили учун 21211 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, шундан 26 та фермер хўжалигида 500 гектар майдонга плёнка остига чигит экиш режалаштирилган. Бироқ чигит қадаш жараёни ҳар хил баҳоналар билан кечиктирилаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Чигит экиш учун плёнкани "Жиззах пластмасса" акциядорлик жамияти етказиб бериши керак бўлса-да, Тошкент шаҳрида жойлашган "Андуслубпахта" илмий-ишлаб чиқариш тижорат маркази билан шартномалар тузилган. Шунингдек, ҳозиргача плёнка олиб келинмаган. Шу боис фермер хўжаликлари раислари расман огоҳлантирилиб, туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Туман фермер хўжаликлари уюшмаси раисига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Хулоса ўрнида айтсак, шартнома шартларини бажармай, ўз нафслари йўлида тараллабедод қилиб юрган фермер хўжаликлари раҳбарлари қонун олдида албатта жавоб беришади. Чунки қонун талаби ҳамма учун баравар.

Баҳодир КАРИМОВ,
Сирдарё вилояти

САВОЛ БЕРИНГ!

Уни хат ҳамда 136-72-37, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

"ЎҚИШИМ МУМКИН ЭМАСМИ?"

Мен 1995 йил Муборак иқтисодиёт коллежига ўқишга кирдим. Бироқ ҳарбий хизматга чақирилганим сабабли ўқишни давом эттира олмадим. Ҳарбий хизматдан сўнг ўқишни сиртқи бўлимга ўтказдим. Бу орада соддалигим ва ёшлигимдан фойдаланиб, икки нафар танишим мени ўғирликка ундади. Ўғрилик содир этилгандан кейин орадан уч кун ўтгач, айбимни бўйнимга олиб туман ички ишлар бўлимига мурожаат этдим. Шундан сўнг менга суд ҳукми билан муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

2001 йил 1 сентябр куни эълон қилинган Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармони муносабати билан муддатдан олдин озодликка чиқдим ва ўқишни давом эттириш учун коллежга бордим. Бироқ коллеж мутасаддилари "сен қамалгансан, ўқишинг мумкин эмас" дейишди.

Бу тўғрими? Бу борада менга маслаҳат берингизлар.

Баҳодир БОТИРОВ,
Деҳқонобод тумани, "Кўкбулоқ" жамоа хўжалиги

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Жиноят Кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши шартлари баён этилган:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан-синов муддати тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларни ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталгандан кейин бир йил ўтгач;

г) қамоқ жазоси ўталгандан кейин икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддат озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин ўн йил ўтгач судланганлик ҳолати тугайди.

Шу ўринда судланганлик ҳолати тугагандан сўнг ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки сизнинг судланиб чиққанингиз бир қанча ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Хусусан, судланган шахс биринчидан, расмий анкеталарни тўлдириш чоғида судланганлигини ёзиб қўйишга мажбур. Иккинчидан, шахсларнинг ўзига хос хусусиятларига биноан судланганлик турар жой танлаш эркинлигини чегаралаш учун асос бўлиб хизмат қилади, учинчидан, судланган шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин. Тўртинчидан, айрим судланган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЖКнинг 77-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Агар ана шу моддага эътиборимизни жалб қиладиган бўлсак, сизга нисбатан судланганлик ҳолати олиб ташланган бўлса, у ҳолда бемалол ўқишингизни давом эттиришингиз мумкин. Агар сиз коллежнинг ички тартиб-қоидаларидан келиб чиқиб, қамалиш арафасида ўқишдан четлаштирилган бўлсангиз, уни ҳам қайта тиклаш ҳуқуқига эгасиз.

ИХТИЁР ЎЗИНГИЗДА...

Хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш учун тегишли рухсатномаси бўлмаса ҳам Ўзбекистон фуқароларидан автомашина сотиб олиши мумкинми?

Шерали НОРМУРОДОВ,
Олтинсой тумани

— Хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатдан ўтмасдан туриб ҳам автомашина сотиб олиши мумкин. Чунки Фуқаролик Кодексининг 17-моддасида таъкидланишича, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати тенг равишда эътироф этилади.

Ушбу Кодекснинг 16-моддаси талабларига мувофиқ барча фуқаролар сингари хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киради. Уларнинг қандай ҳуқуқ лаёқатларига эга экани мазкур Кодекснинг 18-моддасида кўрсатиб ўтилган.

«НАФАҚАГА ЧИҚА ОЛАМАНМИ?»

Олий маълумотли она тили ва адабиёт ўқитувчисиман. Ёшим 51 да, 33 йил педагогик иш стажим бор, асаб касаллигига учраганим сабабли ўқитувчилик касбимни давом эттира олмадим. Ўттиз уч йил иш стажим бўлса, эллик бир ёшда ҳам нафақага чиқишим мумкинми?

Иккинчидан, ихтиро қилиш учун банкдан маълум муддатга тўлов шарти билан кредит олиш имкони борми?

Турсунбой АБДУЛЛАЕВ,
Амударё тумани,
И. Ўрозбоев номидаги ширкат хўжалиги

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасининг "к" бандига мувофиқ ўқитувчилар (фақат ўрта мактаб ўқитувчилари) ва бошқа маориф ходимлари (улар Вазирлар Маҳкамаси томонидан 12 май 1994 йил № 250-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатнинг 7-қисмида кўрсатилган) "маориф ходимлари" деб номланган иш стажларига мувофиқ ёшга доир имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сиз ишлаган шароит ушбу рўйхатга тўғри келса, 25 йиллик иш стажингиз ҳисобга олиниб, Сиз 50 ёшдан ёшга доир имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқига эгасиз. Бу борада турар жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилинг.

2. Кредит олиш мумкин эмас. Чунки кредит шартномасига мувофиқ (ФКнинг 744-моддаси) кредит шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафда (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул маблағини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Бунда нима сабабдан кредит олаётганингиз ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, бирор янгилик яратиш учун янгиликнинг лойиҳаси, ғояси илмий асослантирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника Марказига жўнатилади. Ушбу Марказ уни ўрганиб чиқиб, тасдиқлагандан сўнггина молиялаштириш мумкин. Кредит олиш эса мумкин эмас.

КРЕДИТ БЕРИЛМАЙДИ!..

Ҳурматли таҳририят! Мен ўғлимни чет элга ишга юбормоқчи эдим. Шунга кетадиган харажатни кредит олиб қопласам бўладими? Агар кредит олиш мумкин бўлса, қандай ҳужжатларни тайёрлашим керак?

Банк кредит беришга рози бўлса, ундан неча фоиз ушлаб қолинади?

Рўзиқул СУВОНОВ,
Фориш тумани

— Чет элга ишга бориш учун банкдан кредит олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, бу борада сиз кредит олмоқчи бўлган банкнинг кимлар учун ва нималар учун кредит олиши мумкинлиги ҳақидаги рўйхатни ҳам кўришингиз ва Меҳнат биржасидан маълумот олишингиз мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 744-745-746-747-748-моддаларида кредит шартномаси ва унинг бериш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, бу қоидалар сиз сўраётган масалани ўз ичига олмайди. Чунки кредит шартномаси кўпроқ тадбиркорлик фаолияти орқали фойда олиш ва бериш мақсадини кўзлаб амалга оширилади.

Саволларга жавобни ҳуқуқшунос
Саломат НИЁЗОВА тайёрлади.

Mohiyat

ТАҚДИМНОМА ТАНҚИД ЭМАС

ана шу фикрни нотўғри тушуниш қандай оқибатларга олиб келади?

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бошқармалари зиммасига кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдек ўта муҳим вазифа юклатилди. Ана шу вазифаларни бажариш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш учун уларга бир қатор ваколатлар берилган. Қонун талабларига қатъий риоя қилиш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ёки ноқонуний қабул қилинган қарорларни бекор қилиш юзасидан ҳокимлик, ташкилот, хўжалик, корхона раҳбарлари номига тақдимномалар киритиш ана шундай ваколатлардан биридир.

Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда вилоятнинг аксарият туман ва шаҳар ҳокимликлари, назорат қилувчи идоралар, банк тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот, ширкат хўжаликларида тадбиркорликка ҳамда шартномавий муносабатларга оид амалдаги қонунлар, шунингдек, меъёрий ҳужжатлар ижросининг ҳақиқий аҳволи жойида амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳокимликлар, назорат қилувчи идоралар, банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ва ширкат хўжаликлари раҳбарлари номига йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилишга қаратилган, ижросини таъминлаш мажбурий бўлган таъсир-чора сифатида 47 та тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномаларнинг аксарияти ижроси 15 кунлик муддатда бажарилди. Тақдимнома киритилган баъзи ҳокимлик, назорат қилувчи идораларга эслатма бериш билан қонунбузилиш ҳолати тузатилиб, ижросига эришилди. Бироқ тақдимноманинг ижроси таъминланишида ҳар доим ҳам иш ана шундай силлиқ кўчаяпти, деб бўлмайди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, вилоятдаги солиқ идоралари айбдор мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш ўрнига уларнинг айбини хаспўшламоқда. Қонунбузилишига йўл қўйган аксарият мансабдор шахсларга қонунда назарда тутилмаган "кўрсатиб ўтиш", "огоҳлантириш" чораларини кўриш билан чекланилмоқда. Бунга Оқдарё туман давлат солиқ инспекцияси фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Гап шундаки, ўрганиш чоғида мазкур солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчига идентификацион рақамлари беришда учта, якка тадбиркорларни ҳисобга олиш жараёнида ортиқча ҳужжатлар талаб қилишда олтита, юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд пул маблағларини асоссиз инкасса топшириқномаси билан олиб қўйишда учта, қонунчиликда белгиланган имтиёзларни қўлламасдан тадбиркорлик субъектларидан инкасса топшириқномаси билан асоссиз пул маблағларини ундириш каби ўн учта ҳолатда қўпол қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ана қонунбузилишларни бартараф этиш ва айбдорларни жазолаш тўғрисида тақдимнома киритилган бўлса-да, қонунбузилишларни содир этган солиқ инспекциясининг масъул ходимларига нисбатан умуман жазо чоралари кўрилмаган. Ҳаттоки, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан бирон бир аниқ чора ёки тадбир ишлаб чиқилмаган. Шу боис яқинда адлия бошқармаси ушбу ҳолатлар юзасидан вилоят давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритди.

Тақдимнома танқид эмас. Аксинча, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилишга қаратилган ва унинг ижросини таъминлаш мажбурий бўлган таъсир чорасидир. Буни таъкидлашнинг боиси шуки, айрим мансабдор шахслар ҳанузгача тақдимноманинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етишмаяпти. Шу боис тақдимнома ижросини таъминламаслик, пайсалга солиш ёки унга панжа орасидан қараш ҳолатлари амалиётда тез-тез учраб турибди. Ҳолбуки, тақдимнома аниқланган қонунбузилишларни тезкорлик билан бартараф этишнинг энг самарали усулидир. Шу боис уни ижро этмаслик, унга бефарқ муносабатда бўлиш қонун асосида жазоланади.

Пўлат АҲМЕДОВ,
Самарқанд вилояти



Магнолия

Tashabbus va natija

ТУГАЁТГАН ТЎСИҚЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

"Тадбиркорбанк"нинг Янгиариқ туман бўлими ўтган йили "Болта ота" фермер хўжалиги раҳбари Болтабой Оллобергановнинг 1 миллион сўм кредит маблағи ажратиш ҳақидаги қонуний талабини ойлар давомида менсимай келди. Натижада бундан тадбиркорнинг ёлғиз ўзи эмас, балки унинг фаолиятидан манфаатдор бўлган субъектлар ҳам зиён кўришди.

Урганч шаҳар солиқ маҳкамасида рўй берган масъулиятсизлик "НАН" "К" хусусий корхонаси ва "Улуғбек" масъулияти чекланган жамият раҳбари Баҳром Султонмуродовга анча қимматга тушди. Гап шундаки, Б.Султонмуродов ўтган йилнинг 20 январ куни шаҳар солиқ инспекцияси раҳбарига ариза берган эди. Уни маҳкама иш юритувчиси Муяссар Бобожонова қабул қилиб олган бўлса-да, рўйхатдан ўтказмаган. Унинг айтишича, аризани инспекция раҳбарининг муовини Р.Отамуродовга топширган. Бироқ Р.Отамуродов буни инкор этган. Ўртада эса тадбиркор овора бўлган.

Мутасаддилар томонидан йўл қўйилаётган сансоларлик ҳолатлари ҳам тадбиркорлик ҳаракатига сунъий тўсиқлар қўймоқда. Масалан, Хива тумани статистика ва ҳисоблаш маркази фуқаро У. Рўзиметовнинг фирма номига гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризасини орадан 9 ой ўтса ҳам кўриб чиқмаган. Боғот туман статистика ва ҳисоблаш маркази фуқаро Н.Бобониёзовнинг 2002 йил 27 апрел кунида ёзган аризасига 18 декабр куни жавоб берган. Янгибозор туман ер ресурслари хизмати тадбиркор И.Дўстматовнинг дўкон қурилиши учун ер ажратиб беришга доир аризасини кўриб чиқиш учун роппа-роса 3 ой-у 20 кун вақт "сарфлаган".

Сўровда қонун талабларини кўр-кўрона бузган корхона ва ташкилотлар ҳам маълум бўлди. Хусусан, "Пахтабанк"нинг Боғот туман бўлими мутасаддилари қонунга зид равишда "Боғотғишт" корхонасининг 2000-2001 йиллардаги молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бошқа бировларга ошкор этган. Янгиариқ туман ветеринария бўлими масъул ходими К.Бобожонов ҳам "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси талабини қўпол равишда бузган ҳолда "Гулистон" ширкат хўжалигига қарашли фермада асоссиз текшириш ўтказган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Хоразм вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижасида кўплаб қонунбузилишлар ва сунъий тўсиқлар аниқланди. Энг муҳими, уларни бартараф этиш учун тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, аниқланган камчилик ва нуқсонлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, мутасаддиларга тақдимномалар киритилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ташаббуси билан тадбиркорлар ўртасида ўтказилаётган сўровномалар тадбиркорлик ривожига хизмат қилаётир.

Ортиқбой МАТКАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ajab savdolar

"КОРХОНАМИЗ СИНАДИМИ?"

Очиғи, қарийб икки йилдан буён бир чигал муаммомиз ўз ечимини топмай келмоқда. Бу ҳақда бир қатор мутасадди идораларга мурожаат қилдик. Аммо бундан бирон-бир натижа чиқмади.

Гап шундаки, Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг талабига кўра, кичик корхонамиздаги албастр тайёрлов цехидан шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бўлимига 2001 йил 29 март кунидаги 08-шартномага асосан 2 миллион 245 минг сўмлик маҳсулотни олиб бориб топширганмиз. Бойсун билан Термиз шаҳри ўртасидаги масофа 300 километрни ташкил этади. Биз барча йўл харажатларини ҳам ёнимиздан сарфлагандик. Гарчанд, шартнома шартига биноан, шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиши бўлими олдиндан 15 фоизлик тўловни амалга оширмаган бўлса-да, маҳсулот берганмиз. Тўғриси, шаҳар капитал қурилиши, ҳокимлик раҳбарларининг: "қурилиш объектларини ўз вақтида топшириш кечикмасин, маблағингизни ўз вақтида оласиз", деган ваъдасига ишонгандик. Аммо бу ваъдалар ваъдалигича қолиб кетди. Орадан бир йил ўтиб, маҳсулотимиз ҳақини олишга кўзимиз етмагач, 2002 йилнинг апрел ойида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритдик. Хўжалик суди бизнинг 19-0206-438-сонли ишимизни кўриб чиқиб, шаҳар капитал қурилиши бошқармасидан корхонамиз фойдасига 2.245.200 сўм асосий қарз ва 1 миллион 122 минг 600 сўмлик жарима — жами 3.371.260 сўмлик маблағни амалдаги қонунларга асосан ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради. Шундан сўнг биз ниҳоят, мушкулимиз осон бўлди, дея енгил тортган эдик. Ҳатто суднинг ҳал қилув қарорига асосан 2002 йил 31 май кунида шаҳар капитал қурилиши бўлимига хизмат кўрсатадиган "Уйжойжамғармабанк"нинг вилоят бўлимига инкассали топшириқнома тақдим этдик. Аммо орадан бир йил ўтса ҳамки, суднинг ҳал қилув қарори қоғозда қолиб кетмоқда.

Бунга қарамай ўз маблағимизни олиш учун ўтган йилнинг охирида 23202 махсус ҳисоб рақами орқали молиялаштирилган пул маблағини бошқарма ҳисобидан чиқим қилишга йўналтирилган (схема) ҳужжатларни ҳам расмийлаштирдик. Лекин бундан ҳам бирон-бир натижа чиқмади. Топширган маҳсулотимиз ҳақини олиш учун 300 километр йўл босиш айтишга осон. Энди кимга мурожаат қилишни билмай бошимиз қотиб қолди. Энг ёмони, корхонамиз банкдан олган кредитни тўлаш муддати келиб қолган. Агар кредитни Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиши бўлимининг айби билан қайтаролмасак, корхонамиз синиб кетиши турган гап. Хўш, унда нима бўлади?..

Аскар ҚОДИРОВ,
Бойсун туманидаги
"Мўмин" кичик
корхонасининг бошлиғи

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳар фуқаро ўз имкониятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун тенгсиз шарт-шароитлар яратиб берилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга жойларда ҳали тадбиркорлик фаолиятига сунъий тўсиқлар қўйиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Сурхондарёлик тадбиркор Асқар Қодировнинг шикоят хати ҳам шундан дарак беради. Ҳолбуки, мазкур низоли иш бўйича вилоят хўжалик суди ўзининг қонуний ажримини чиқарган. Яъни тадбиркорнинг бузилган қонуний манфаатларини ҳимоя қилган. Лекин суд қарори қоғозда қолиб келмоқда. Энг ёмони, ана шундай сансоларлик оқибатида, шикоят хатида таъкидланганидек, тадбиркорнинг кичик корхонаси синиб кетиши ҳеч гап эмас. Хўш, бунинг учун ким жавоб беради? Ахир, битта корхона фаолиятини йўлга қўйиш осон иш эмас. Бу ҳар бир тадбиркордан озмунча меҳнат талаб қиладими? Ўйлаймизки, Сурхондарё вилоятидаги мутасадди раҳбарлар бу масалада қонуний тўхтамга келишади.***

ДЕЛИКТ ЖАВОБГАРЛИК НИМА?

Huquqiy ma`rifat

Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизда **"яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир"**, деб эътироф этилган. Шунингдек, унда ҳар ***бир фуқаронинг ҳаёти ҳамда саломатлиги дахлсиз*** эканлиги белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонуннинг 46-моддасида эса ***фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳолларда айбдорлар жабрланганлар кўрган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт,*** дейилади. Меҳнат Кодексининг 189-моддасига биноан корхона ва ташкилотлар ҳамда иш бажарувчи айби билан ходимлар соғлиғига зарар етганда, шунингдек, боқувчининг вафот этгани муносабати билан кўрилган зararлар тўлиқ миқдорда қоплаб берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ равишда ходимлари соғлиғига ёки ҳаётига зарар етиши ҳолларида бу зарар ўрнини қоплаб берилиши меҳнат ҳуқуқидаги энг мураккаб, айни пайтда амалий аҳамияти катта масалалардан саналади.

Ишлаб чиқариш ва меҳнат вазифаларини муносабати билан ходимлар соғлиғига зарар етказилиши ва унинг вафот этиши моҳияти жиҳатдан шартномадан ташқари келиб чиқадиган "деликт" мажбуриятлар қаторига киради. Шу сабабли у фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигига ўхшаш хусусиятларга эга.

«Деликт» сўзи лотинчадан олинган бўлиб, ҳуқуққа хилоф ҳаракат деган маънони билдиради ва деликт жавобгарлик дейилади.

Меҳнат ҳуқуқидаги ходим ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиш билан фуқаролик-деликт (зарар етказишдан келиб чиқувчи) жавобгарликнинг ўхшаш томонлари жумласига жавобгарлик юз бериши асослари (шартлари)нинг бир хил эканини киритиш мумкин. Аммо шу билан бирга ушбу икки жавобгарлик кўринишлари муҳим жиҳатлари билан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бундай фарқлар қаторига қуйидагилар киритилиши мумкин:

1) уларнинг қонунчилик базаси турлича, яъни меҳнат муносабатида ходим соғлиғига етказилган зарар Меҳнат Кодекси, унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, корхоналарнинг ўзида ишлаб чиқариладиган локал меъёрий ҳужжатларига мувофиқ қопланади. Фуқаролик (деликт) ҳуқуқий деликт мажбуриятлар эса Фуқаролик Кодекси ва унинг асосидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади;

2) ушбу икки жавобгарлик ўз объектлари билан фарқ қилади. Меҳнат ҳуқуқида зарар етказиш объекти бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида ходим соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказилган бўлса, фуқаролик ҳуқуқий деликт мажбуриятларининг объекти ҳар қандай шароитда мулкка, мулкий ҳуқуқларга, соғлиққа, ҳаётга зарар етказилиши ҳисобланади. Яъни анча кенг диапозонга эга;

3) меҳнат ҳуқуқий ва фуқаролик ҳуқуқий деликт мажбурият субъектлари ўзаро фарқ қилади. Меҳнат ҳуқуқида бу ўзаро меҳнат шартномаси тузилиши орқали боғлиқ бўлган ходим ва иш берувчи бўлса, фуқаролик ҳуқуқидаги зарар келиб чиқадиган мажбурият субъектлари ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари бўлиши мумкин;

4) меҳнат ҳуқуқида зарар етказилиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган ходимга, боқувчиси вафот этган шахсларга бирйўла тўланадиган нафақа берилади ва бу жабр кўрганларга қўшимча моддий кафолат берилиши кўринишидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқида бундай бирйўла бериладиган нафақа тўлаш кўзда тутилмаган.

Ишлаб чиқариш жараёнида юз берадиган бахтсиз ҳодисалар одамлар соғлиғига зарар етишига, тадбиркорлар томонидан ортиқча молиявий ҳаракатлар қилинишига, ишлаб чиқариш маромини бузилишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ходимлар соғлиғига шикаст етказишнинг асосий сабабларидан бўлиб, улар иш берувчи томонидан ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишига оид мажбуриятларни бажармаслик, техника хавфсизлиги талабига писандсиз муносабатда бўлиш туфайли юзага келади.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, 1997 йилда касаба уюшмалари томонидан ўтказилган 6 мингга яқин текширишлар чоғида техника хавфсизлиги қоидалари бузилишига оид 75 минг ҳолат аниқланиб, 113 та корхона, 623 та цехнинг фаолияти тўхтатилган. 1,5 минг нафарга яқин мансабдор шахсларга жарима солинган, 245 нафар мансабдор шахс вазифасидан озод қилинган. Қурилишда 22,3 фоиз ходимлар ноқулай шароитларда ишлаган, касб касалликлари туфайли 400 га яқин ходим ногирон бўлиб қолган. Саноат, қурилиш, алоқа ва транспорт корхоналарининг ўзида вақтинча меҳнатга яроқсиз ходимларга 2100 миллион сўм маблағ сарфланган.

Ушбу салбий ҳолатларнинг сабаблари қаторида ҳуқуқий тарғибот ишларини яхши йўлга қўйилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлади. Зеро, ўз вақтидаги тўғри тарғиб ва ташвиқот кўплаб фалокатларнинг олдини олади.

М. УСМОНОВА,
доцент
Ф. СОБИРОВ,
магистр

ТАЪМАГИРЛИК

энг оғир жиноятга сабаб бўлиши мумкин

Айрим кимсалар шундай оғир жиноятлар содир этадики, натижада бир умр тавқи ланъатга дучор бўлишади. Қасддан одам ўлдириш жинояти ана шундай оғир қилмишдир. Қуйида бундай жиноятнинг таъмагирлик туфайли содир этилиши сабабларига тўхталиб ўтамиз.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини тасниф қилишга оид энг муҳим масалалари Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабр куни эълон қилинган **"Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги** қарорида шундай баён этилган: **"Судларнинг эътибори ҳар бир жиноят ишини кўришда мажбурий ҳисобланган содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холис равишда текшириш тўғрисидаги ишлар бўйича инобатга олиниши кераклигига қаратилсин, чунки қонун айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда бу жиноятни содир этган айбдорга ўлим жазосини қўллашни кўзда тутади".**

Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми "и" бандида назарда тутилган таъмагирлик туфайли одам ўлдириш жинояти одатда ҳар хил моддий фойда олиш (пул, мулк, мулкий ҳуқуқ, яшаш майдонига эга бўлиш, каттароқ маош тўланадиган мансабга эга бўлиш) ёки моддий ҳаракатлардан қутулиш (қарзни тўлаш, алимент тўлови, бошқа шахсга моддий бойликлар бериш ва ҳоказо) ниятида амалга оширилади.

Таъмагирлик кўпинча мулкий жиноятларга тааллуқлидир. Одам ўлдириш жиноятини таъмагирлик ниятида содир этилган деб топиш учун жабрланувчининг мулк ва бошқа моддий бойликларининг эгаси бўлгани, шунингдек, ундаги бойликлар қонуний ёки ҳуқуққа хилоф сақланаётгани ёки фойдаланилаётганининг аҳамияти йўқ. Бу ўринда жабрланувчининг ўлими туфайли айбдорнинг қандайдир моддий бойликлар ёки мулкни эгаллаш ҳуқуқини қўлга киритишга умид боғлаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш жиноятининг қасд шаклини аниқлашда ушбу жиноят фақат таъмагирлик ниятида ёки бошқа бирор-бир жиноят билан бир вақтда содир этилган ҳолати ҳам ғоят муҳим.

Агар таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдирилса, субъект ҳар доим мулкка эгалик қилиш, мулкий ҳуқуқни қўлга киритиш ёки мулкий мажбуриятдан озод бўлиш сингари ғаразли мақсадларни кўзлайди. Бундай ҳолатда айбдор жабрланувчини ҳаётидан маҳрум этмасдан туриб мақсадига эришиб бўлмаслигини англайди ва шундан сўнггина ўзининг тубан ниятига қўл уради.

Демак, бундай турдаги жиноят содир қилиш инсоннинг ғаразли моддий наф кўриш истаги туфайли вужудга келади. Лекин инсоннинг ҳаёти ҳамма нарсадан устун ва унинг муҳофазаси биринчи ўринда туради. Оддий одам ўлдиришга нисбатан таъмагирлик нияти билан қасддан одам ўлдириш жиноятини бир-бири билан таққосланганда, катта фарқлар кўзга ташланади. Нега деганда, ҳаётда баъзан ҳасад, ўч, кўра олмаслик ва рашк туфайли ҳам инсон ҳаётига қасд қилиниши мумкин. Таъмагирлик ниятида бундай қабиҳ ишга қўл уриш остида эса моддий жиҳатдан наф кўриш ёки моддий жавобгарликдан қутулишга қаратилган ғаразли мақсад ётади. Шу боисдан ҳам, ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан таъмагирлик оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Бундан ташқари, судлар томонидан жазо чорасини белгилашда қасддан одам ўлдириш жинояти таъмагирлик туфайли содир этилганига алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса таъмагирлик оғир жиноятларга бошловчи хавфли омил эканини исботлайди.

Хулоса сифатида айтсак, таъмагирлик ёмон иллат. Унга ружу қўйган кимса ҳар қандай оғир жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Шу боис таъмагирлик туфайли содир этиладиган жиноятларга оғир жазолар тайинланади.

Жасур БОЙТЕМИРОВ,
ҳуқуқшунос

Mitti maslahat

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ БУЗИЛМАСИН

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқларини эркин ифодалаш имкониятига эга бўлишди. Ҳозирги пайтда улар ўзларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ҳақида исталган идорага мурожаат қилишлари мумкин.

Афсуски, баъзан амалиётда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат идораларига бериш, қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат идоралари мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ҳоллари кам бўлса-да, учраб турарди. Бу эса шикоят хатларини кўрилмай қолиб кетишига олиб келарди.

Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси 2-қисми талаби билан бундай ножўя хатти-ҳаракатларга чек қўйилди.

Ушбу қонуннинг 18-моддасида қайд этилишича, фуқароларнинг ариза ёки шикоятлари масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат идорасига тушган кундан эътиборан асоссиз равишда 1 (бир) ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоят эса 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, мабодо ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат идораси раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилган ҳолларда бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилиниши зарур.

Бу эса ижрочи идораларнинг масъул ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис улар қонун талабига сўзсиз риоя этишлари лозим. Ана шунда адолат тамойиллари бузилмайди.

Фурқат РАСУЛОВ,
ҳуқуқшунос

Adliya tizimi

САМАРҚАНД

Вилоят адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига тадбиркорлик субъектларидан шу йилнинг ўтган биринчи чорагида 77 та ариза-шикоят келиб тушди. Ариза-шикоятларнинг 34 таси қаноатлантирилди. 11 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. 13 та ёзма мурожаат тегишлилиги бўйича мутасадди идораларга юборилди. Қолган ариза ва шикоятлар кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал қилинмоқда.

* * *

Бўлим томонидан йилнинг ўтган биринчи чорагида туман ва шаҳар ҳокимликларига, назорат қилувчи идоралар, шунингдек, хўжалик, корхона, ташкилотларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, ижросини таъминлаш мажбурий бўлган 48 та тақдимнома киритилди. Ҳокимлик, назорат қилувчи идоралар, банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ва ширкат хўжаликлари раҳбарлари номига киритилган огоҳномалар сони 60 тани ташкил этди.

* * *

Йилнинг биринчи чорагида бўлим томонидан судларга тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 13 та даъво ариза киритилди. Ана шу даъво аризалар туфайли жавобгарлардан 10 миллион 895 минг 920 сўмлик маблағ ундириш кўзда тутилган.

Кўнгил тортар кенгликлар

Jahon tajribasi

КАФОЛАТ САМАРАСИ

ёхуд Германияда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бир назар

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Германияда тадбиркорлик фаолияти (Gewerbebetrieb) бир ёки бир неча шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин. Тижорат фаолияти доирасига кўчар мулк (товар) ва қиймматбаҳо қоғозларнинг олди-сотдиси, товарларни қайта ишлаш, суғурта ва банк фаолияти, транспорт хизмати, товарларни омборларда сақлаш, комиссионерлар, экспедиторлар, маклерлар фаолияти, ошпирлик иши ва ҳоказолар киради.

Тадбиркорлик фаолиятининг соҳаси ҳажм жиҳатидан тўлиқ ва майда тижоратчиларга (Vollkaufmann, Minderkaufmann) ажратилади. Майда тижоратчилар савдо реестрига киритиш мажбурияти ҳамда бухгалтерлик ҳисобини юритишдан озод қилинади. Чунки улар ўз фаолиятларини шахсий исмлари билан амалга оширади ва фирма номига эга бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Корхона ўз фаолиятини икки ёки ундан ортиқ иштирокчилари билан амалга оширишининг энг оддий усули фуқаролик ҳуқуқи жамияти (Gesellschaft des bьrgerlichen Rechts — GbR) ҳисобланади. Бундай корхоналар савдо ҳуқуқи меъёрлари асосида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари асосида ташкил этилади ва ўзида бирор-бир мақсадга эришишни, хусусан, тижорат мақсадларини кўзда тутувчи бир неча шахсларнинг бирлашмасини акс эттиради. Бундай жамиятни таъсис этиш учун иштирокчиларнинг оғзаки битими кифоя.

Германия ҳуқуқий анъанасига мувофиқ, корхона тижорат компаниялари учун кўзланган барча эркинликлардан фойдаланиши, барча таваккалчиликлар ҳамда мажбуриятларни зиммасига олиш учун, энг аввало, маълум бир мавқе ва аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бошқача айтганда, корхонанинг тижоратчи (Kaufmann) мақомига эга бўлиши учун у ўз фаолиятининг тавсифи ва ҳажмига кўра (айланма сармояси, ишчилар сони, мақсаднинг катталиги ва ҳ.к.) оддий ташкилий шакллар ва бухгалтерлик ҳисобини юритишнинг минимал талабларига жавоб бера олмайдиган ҳолатга келган бўлиши лозим. Бундай ҳолларда мамлакат савдо қонунчилигининг (Handelsgesetzbuch) меъёрларига мувофиқ якка тартибдаги тижоратчи (Einzelkaufmann) сифатида ўз фаолиятини амалга ошириш ёки бир неча шахсларнинг бирлашмаси ҳисобланган тижорат компанияларини (Personengesellschaft) ташкил этиш мумкин. Булар тижоратчининг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Энди компаниялар – шахслар бирлашмаси (ширкатлар) ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Компаниялар – шахслар бирлашмаларининг асосий шакли бўлиб, очиқ савдо жамияти (offene Handelsgesellschaft — OHG) ҳисобланмайди, бироқ мулкка эгалик қилиши, ўз зиммасига мажбуриятларни олиши, судда ўз номидан даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши мумкин. Компания таъсисчилар ўртасида имзоланган ёзма шартнома асосида тузилади. Унинг шакли бўйича ушбу ҳужжатга ҳеч қандай эътироз билдирилмайди, фақат у барча иштирокчилар томонидан имзоланиши лозим.

Иштирокчилар ўзларининг барча мулклари билан солидар жавобгар ҳисобланади. Бундан ташқари, иштирокчилардан ҳар қайсиси жамиятдан чиққандан сўнг беш йил мобайнида компаниянинг у ишлаган давридаги қарзлари учун жавоб беради. Жамиятга кирган ҳар қандай янги иштирокчи компаниянинг барча мажбуриятлари бўйича, ҳатто бу мажбуриятлар унинг компанияга киришидан олдин вужудга келган бўлса ҳам, тўлиқлигича жавобгар саналади.

Жамиятнинг номи (фирмаси) иштирокчилардан ҳеч бўлмаса бирининг фамилиясидан иборат бўлиши ва шу билан бирга компания шакли (OHG & Co.) кўрсатилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, очиқ савдо жамияти савдо реестрига киритувчи судда (Amtsgericht) рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Агар компания иштирокчиларидан бири корхонанинг қарзлари бўйича фақат муайян миқдор доирасида жавоб беришга тайёр бўлса, бундай ҳолда унинг жамият капиталига қўшган омонати савдо реестрида рўйхатга олинади. Унинг мажбурияти эса бундай омонатнинг миқдори билангина чекланиб қолади. Бундай ҳолатда коммандит жамияти (Kommanditgesellschaft — KG) вужудга келади. Уни компания мажбуриятлари бўйича чекланмаган ва чекланган масъулиятга эга бўлган иштирокчилар тузади. Германия қонунчилиги бўйича бундай компания юридик шахс ҳисобланмайди. Бундай жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўрта тадбиркорлик субъектига тенглаштирилади.

Жамиятнинг жорий ишларига раҳбарлик қилиш масъулияти чекланмаган иштирокчилар томонидан амалга оширилади, коммандитистлар эса жамиятни бошқаришдан четлаштирилади.

Коммандит компанияси худди очиқ савдо жамияти сингари таъсис этилади ва рўйхатга олинади. Коммандит жамиятининг номидан ҳеч бўлмаганда чекланмаган масъулиятга эга бўлган бир иштирокчисининг фамилияси кўрсатилади ва унга одатда компаниянинг шаклини билдирувчи белги қўшиб қўйилади.

Очиқ савдо жамиятлари ва коммандит жамиятларининг асоси бир неча шахслар бирлашмаси, яъни унинг иштирокчилари ташкил этувчи компаниялардан иборат. Тахминан 300 йил аввал саноат ва савдонинг гуркираб ривожланиши савдо айланмасида ҳаттоки жуда обрўли ва бой тадбиркорларни ҳам ўйлантириб қўйган таваккалчиликнинг вужудга келишига олиб келди. Шу аснода асосини шахслар бирлашмаси эмас, балки сармоялар бирлашмаси (Kapitalgesellschaft) ташкил этувчи компаниялар таркиб топа бошлади. Бундай компаниялар унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдиган муассислардан автоном ҳолда фаолият юритади.

Германияда компаниялар – сармоялар бирлашмалари (жамиятлар) ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Мамлакат қонунчилигида бундай компанияларнинг икки асосий шакли мавжуд – акциядорлик жамиятлари (Aktiengesellschaft - AG) ва масъулияти чекланган жамиятлар (Gesellschaft mit beschrдnkter Haftung - GmbH). Акциядорлик жамиятига ўзининг сармояларини тақдим қилувчи шахслар жамиятнинг оператив бошқарувида иштирок этмайди ва унинг қарзлари бўйича жавобгар бўлмайди. Улар қўйилган маблағлари ҳисобидан фойда олади ва фақат шу омонат бўйича таваккалчилик қилади.

Масъулияти чекланган жамиятлар Германияда энг кенг тарқалган компаниялардир. Улар юридик шахс ҳисобланади ва иштирокчилари фақат ўзларининг мулки билан ҳам фаолият юритади. Бундай жамият ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс томонидан, шунингдек, бир нечта шахс томонидан ташкил этилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, жамият оилавий корхона, бир неча мустақил корхона ёки бир неча тижоратчилар ва жисмоний шахсларнинг қўшма корхонаси шаклида бўлиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамият таъсис шартномаси асосида ташкил этилади (бундай шартнома таъсисчиси биргина шахс бўлса ҳам тузилиши лозим). Шартнома нотариал идора томонидан тасдиқланади, шундан сўнг янги жамият судда рўйхатга олинади ва савдо реестрига киритилади. Шу пайтдан бошлаб жамият юридик шахс мақомини олади.

Асосий сармоянинг миқдори жамиятнинг низомида акс эттирилади ва у 50.000 немис маркасидан кам бўлмаслиги шарт. Сармоя таъсис шартномасида кўрсатилган иштирокчиларнинг ҳиссалари ҳисобидан шакллантирилади. Мазкур ҳиссалар пул ёки жамиятга ўтказиладиган ашёлар шаклида бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, ҳужжатларда жамият иштирокчиларининг ўз ҳиссаларини қўшишлари ҳақидаги муддатлар ҳам кўрсатиб қўйилади.

Жамиятда қуйидаги бошқарув идораси шакллантирилади: бошқарувчи (Geschдftsfьhrer) ва иштирокчилар йиғилиши, йирик жамиятларда эса кузатув кенгаши тузилади.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бир ёки бир неча бошқарувчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Қонунчиликда унинг бошқарувчилари жамият иштирокчилари ёки четдан таклиф қилинган шахслар бўлиши мумкинлиги ҳам белгиланган. Ташқи ишларда жамият томонидан вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқи барча бошқарувчилар ёки улардан бирига берилади. Бу таъсис шартномасида кўрсатилади ва савдо реестрида акс эттирилади.

Иштирокчиларнинг йиғилиши таъсис шартномасида белгиланган ҳолларда чақирилади. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Жамиятга қўйилган ҳар 100 немис маркаси иштирокчига бир овозни беради. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, иштирокчининг қўшган ҳиссаси унинг жамият фаолиятига таъсирини ифодалайди. Шу боис йил натижалари бўйича олинган даромадлар жамият иштирокчилари томонидан қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади. Шунингдек, тижорат компанияларининг аралаш ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам мавжуд. Бунга коммандит жамияти ва масъулияти чекланган жамият ҳамкорлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай компаниянинг асосий хусусияти шундан иборатки, у чекланмаган шахсий масъулиятни зиммасига олган масъулияти чекланган жамият ҳисобланади. Коммандитистлар эса ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин. Бундай қулай ҳуқуқий шакл бир тарафдан таъсисчиларнинг мулкий жавобгарлигини чеклаш, иккинчи тарафдан эса, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Германияда тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади. Шу боисдан ҳам, мазкур соҳа ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган. Бу эса тадбиркорликнинг янада гуркираб ривожланиши, жамиятда иқтисодий ўсишнинг юқори даражаларига эришилишининг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Акмал БУРҲОНОВ

Jinoyat va jazo

ҚОТИЛЛИККА БОШЛАГАН "ИШОНЧНОМА"

СУД ОЧЕРКИ

Тожихон Санобар билан бозорда, савдо-сотиқ қилиш жараёнида танишиб қолишди. Қуш тилини қуш билади, деганларидек, икки аёл тез орада тил топишиб, иноқ бўлиб кетишди. Ана шундай кунларнинг бирида Санобар Тиллабоева шахсий "ВАЗ-2106" автомашинасини сотиш ниятида эканлиги ҳақида гапириб қолади.

— Машинангиз яхши бўлса, бегона қилманг, — деди Тожихон дугонасига. — Мана, бизга сота қолинг...

Шу тариқа икки ўртада савдо пишди. Машинанинг пули бир қўлдан иккинчи қўлга ўтди. Машина ҳам Олтиарикдаги бир ҳовлидан Марғилондаги иккинчи бир хонадонга келтирилди. Машинани сотган ҳам, уни харид қилган ҳам мамнун эди.

Шундай кунларнинг бирида куёв бўлмиш Одил қайнонаси Тожихондан сўраб қолди:

— Ойи, машинанинг баҳоси қанча бўлди?

— Бир миллион икки юз минг сўм, — деб жавоб берди қайнона.

Куёв яна сўровга тутишда давом этди:

— Машинани сотган киши яхши одамми?

— Ишончли, яқин танишим бўлади. Олтиарикдан, — деди Тожихон опа. — Машина ҳозирча унинг номида. Менга ишончнома ёзиб берди. Кейинчалик ўзимизнинг номимизга ўтказиб оламиз.

— Қани ўша ишончнома? — дея қизиқсиниб сўради куёв.

— Мана! — дея қайнона унинг қўлига бир парча қоғозни тутқазди.

Куёв қоғозга тикилар экан, унда қайд этилган машина эгасининг уй адресини эслаб қолишга уринди. Кейинчалик эса уни ҳеч кимга билдирмай ён дафтарчасига ёзиб қўйди.

Агар сиз бу дунёда бир куёв бўлса, шунчалик бўлар, қайнонаси ва унинг яқинларига бунчалик жон койитаяпти, деган хаёлга борсангиз, адашдингиз.

Хўш, унда Одил нега машина эгасининг яшаш жойини ён дафтарчасига қайд этиб олди?! Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Ҳозир эса гапни Олтиарикдан эшитсак. Ўн биринчи июн куни Санобар Тиллабоева кексайиб қолган онасининг ҳолидан хабар олгани унинг ҳовлисига борган эди. Ўша оқшом у онасининг уйида ётиб қолди. Эртаси куни эса уйига қайтди. Уйига келиб, ҳовли дарвозасининг кичик эшиги очиқлигини кўриб, унинг юрагига хавотир оралади. Шошиб ҳовлига кирган бека ичкаридаги хоналарнинг ҳам эшикларининг очиқлиги ва уй ичининг ағдар-тўнтар этилганлигини кўриб, баттар қўрқиб кетди. Устига устак ётоқхонада эри М.Тиллабоев қўл-оёғи чилвир ип билан боғланган ва ҳамма ёғи қонга беланган кўйи ҳушсиз ётарди.

Санобар Тиллабоева фарёд солиб, одамларни ёрдамга чақира бошлади. Унинг фарёдини эшитган одамлар хонавайрон бўлган қўшниларига ёрдам беришга шошилди. Кимдир ҳушсиз М.Тиллабоевнинг қўл-оёқларини ечиб бўшатди, бошқа биров оғзига тиқиб қўйилган латтани суғуриб олди, учинчи бир киши эса "Тез ёрдам"га қараб чопиб кетди. М.Тиллабоев кўп қон йўқотган, зўр-базўр нафас оларди. Шу боис у тўрт кун касалхонада ҳушсиз ётиб, бешинчи кун вафот этди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qing`ir ishning qiyig`i

ИСНОД

Нуробод туман халқ таълим бўлимининг омбор мудири Жаббор Ҳотамов, шу тумандаги юк ташиш автокорхонаси ҳайдовчиси Суюн Норбеков ҳамда тумандаги 70-ўрта мактаб директори Абдусодиқ Абдухолиқовлар ўзаро тил бириктириб, пул топишнинг антиқа усулини ўйлаб топишди. Аниқроғи, улар мактабни иситиш учун туман халқ таълими томонидан ажратилган 20 тонна кўмирга сохта ҳужжат тўғрилаб, уни Пастдарғом туманининг Гўзалкент қўрғонида истиқомат қилувчи Олим Рўзиевга 180 минг сўмга пуллашди. Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганлари рост экан. Жиноятчиларнинг қилмиши тез орада фош этилди. Тергов жараёнида шу нарса маълум бўлдики, нафси ҳакалак отган Жаббор Ҳотамов бундан ташқари тумандаги 7- ва 25-сонли таянч мактабларга ҳам иситиш учун сохта ҳужжат асосида кўмир "берган" экан. Шу тариқа у халқ таълими бўлимига тегишли 1 миллион 31 минг сўмлик 2931 тонна кўмирни талон-тарож қилган.

Туман халқ таълими бўлимининг марказий омборхонаси мудири Бекмурод Нурметов ҳам бу борада ҳамкасбидан «орқада қолмаган». У тумандаги мактабларга берилиши керак бўлган 1050500 сўмлик шифер материалини сохта ҳужжатлар ёрдамида ўзлаштириб юборган. Албатта, жиноятчилар қилмишига яраша қонуний жазоларини олишди. Лекин масаланинг бир жиҳати кишини ўйлатиб қўяди. Гап шундаки, булар-ку ўқувчиларнинг ҳақидан хазар қилмай, давлатга тегишли бўлган мол-мулкни талон-тарож қилишди. Аммо олий маълумотли, оқ-қорани таниган, эл-улус ва жамоа ишончи туфайли раҳбарликка сайланган мактаб директорларини нима жин урди экан? Улар ўз билим даргоҳларида ўқийдиган ўқувчилар ва ишлайдиган жамоасига хиёнат қилиб, қишнинг қировли кунларида хонани истиш учун белгиланган кўмирни сотиб, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаганликларини қандай баҳолаш мумкин? Бу ўқитувчи деган муқаддас номга иснод эмасми?!.

Маматқул ФОЗИЛОВ, ҳуқуқшунос

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ЖАМЛАНМАСИ

Mutolaa

"Ҳаёт ва қонун" юридик журналининг 2003 йил 1-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг ушбу сонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.Полвон-зоданинг "Мақсадимиз — қонун устуворлиги" деб номланган мақоласи чоп этилган. Унда, жумладан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари"га бағишланган йиғилишдаги маърузасида кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида ўртага қўйилган долзарб вазифаларни амалга оширишда Адлия вазирлиги томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ҳолати чуқур таҳлил этилган.

Ҳ.Иброҳимовнинг "Шарқона демократия мактаби" мақоласида шарқона демократия бешиги ҳисобланган маҳалланинг фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ўзига хос жиҳатлари атрофлича очиб берилган.

Юридик фанлари доктори, профессор У.Тожихоновнинг "Президентлик республикаси: ўзбек модели" сарлавҳали мақоласи билан танишар экансиз, бугун биз қандай давлат қураяпмиз, унинг



ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ва ҳуқуқий негизлари нималардан иборат, биз бунёд этаётган давлатнинг мазмун-моҳияти, қиёфаси, шакл-шамойили қандай бўлади, каби саволларга жавоб топгандек бўласиз.

"Фалсафа ва қонун" рукни остида ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Ф.Муҳиддиновнинг "Қонун мукаммаллиги — тараққиёт асоси", фалсафа фанлари доктори В.Алимасовнинг "Аввал тарбия, кейин — жазо" деб номланган мақолалари берилган.

"Жаҳон тажрибаси" рукни остида Г.Маликованинг "Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув" деб номланган мақоласи чоп этилган.

О.Зокированинг "Рашк жиноятга бошлаши мумкинми?" мақоласи билан танишар экансиз, рашк туфайли содир этиладиган жиноятларнинг илдизлари ҳақидаги тасаввурларингиз янада бойигандек бўлади.

Журналнинг мазкур сонидан ўрин олган профессор Ғ.Абдумажидовнинг "Исботлаш ва иқрорлик", Ш.Маматовнинг "Кредит олиш тартиби", Б.Маллабоевнинг "Вақф мулклари", Ш.Иномжоновнинг "Тезкор қидирув натижалари", Ф.Загритдинованинг "Врачлик сири", Ш.Шорахмедовнинг "Кодекснинг янги жиҳатлари", Ж.Камолхўжаевнинг "Оқлов жараёни", А.Тўраевнинг "Ташқи иқтисодий фаолият шартномалари", Т.Умаровнинг "Болалар ҳуқуқи ва манфаатлари", Б.Ҳидоятовнинг "Қонунлар ижросида прокурор назорати" каби мақолалар ҳам ҳуқуқий тафаккурингизни янада бойитишга хизмат қилади.

Баҳодир СУЮНОВ, Бекзод ЁҚУБОВ



Falsafa va qonun

БАРУХ СПИНОЗА: АНГЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Фалсафа фанидаги рационализм мактабининг ёрқин намоёндаларидан бири бўлган Барух Спиноза диний эътиқоди учун Португалиядан Голландияга қочиб келган ибрийлар оиласига мансуб бўлиб, 1632 йилда Амстердамда дунёга келди. У қисқа, аммо сермазмун умр кўрди. У яшаган давр фалсафа фанида ақлий йўналишнинг гуллаган палласига тўғри келди. Унинг илмий мероси бу мактаб вакили саналган фарангистонлик аллома Рене Декарт асарларига нисбатан ҳажман кам бўлса-да, бироқ ўз мазмуни ва ажойиб услуби билан кўплаб тадқиқотчиларни лол қолдирарди. Фалсафада ақл ва мантиқнинг аҳамиятига жуда катта эътиборини қаратган Спиноза ўз асарларининг математик аниқликда бўлишига уринган.

Бўлғуси файласуф бошланғич таълимни ибрий оилалари учун мўлжалланган етти йиллик мактабда олади. Бу даргоҳда у қадим ибрий тили билан бирга ибрий илоҳиётшунослигидан ҳам дарслар тинглайди. Бошида у бу соҳага жуда иштиёқ билан киришади ва ота-онаси ҳам унинг етук мутахассис бўлиб етишишини жуда орзу қиладилар. Аммо ўзига ишонган, тиниб-тинчимас, тиришқоқ Барух ўзига Талмуднинг қотиб қолган, қуруқ, кўпроқ сафсатадек туюлган диний таълимотидан қаноат ҳосил қилмайди. Шу боисдан ҳам у математика ва тиббиёт билан шуғулланади. 1656 йилга келиб эса "Тангри, одам ва унинг бахти ҳақида қисқа битик" номли илк фалсафий асарини ёзиб тугатди. Спинозанинг кейинги тақдири ҳам осон кечмади: у ёлғизликка маҳкум этилиб кўп қоғоз қоралар, аммо камдан-камини эълон қилдирарди. Ўзининг деярли барча ғояларини у мактублар ва шахсий мулоқотлар воситасида билдирарди. Ҳаётлигида фақат икки-уч асаригина чоп этилди. Улардан бири 1661 йилда ёзилган "Геометрик усулда исботланган Декарт фалсафасининг асослари" бўлиб, бу асар бир йилдан сўнг чоп этилди ва муаллифига катта шухрат келтирди. У ҳаётлигида нашр этилган иккинчи китоби "Илоҳий сиёсий трактат" бўлиб, бу асарини файласуф аноним ҳолда чоп эттиради. У нашрдан чиққач, Спинозани диндорлар ва черков қаттиқ таъқиб остига олади. Бу таъқиб 1675 йилга довур давом этади. Фақат "Ахлоқ" китобини ёзиб тугатгачгина, донишманд бу тазйиқдан қутулади, аммо уни ҳаётлигида чоп эттириш насиб этмайди. Дўстлари томонидан 1677 йилда нашр этилган "Ўлимидан сўнг"ги нашри ҳам тез орада йиғиб олиниб, то XIX асргача чоп этилмайди.

Спинозани ҳамиша қийнаган, айни пайтда қизиқтириб келган масалалардан бири Тангри ва унинг бор-йўқлиги тушунчасидир. Бир томондан, у бу нарсани инсон ва унинг ахлоқий муаммолари билан бирга тадқиқ этса, иккинчи томондан, бу тушунчанинг моҳияти уни ғоят қизиқтирган. Спинозанинг Тангри тушунчасига қарашларини пантеизм нуқтаи назаридан моддиюнчасига қараш деб баҳолаганлар ҳам топилди. Бу Спинозанинг Тангрини табиат ва борлиқни қамраб олувчи, уни тартибли тарзда истаган тарафига йўналтирувчи асосий восита, асосий куч сифатида билгани туфайли юзага келган. Бироқ аслида Спинозанинг қарашлари моддиюнча эмас.

Спинозанинг фалсафий дастурича, Тангри ва табиатни англашда бир бутунликни, борлиқни, теварак-атрофимизни яхлит ҳолда англаш, идрок этиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу жараённи Декарт бир бутунликни ташкил этган материя ва тафаккурга жамлаган бўлса, ундан фарқли ўлароқ Спиноза "Бу барчаси бир кўринишга эга бўлган Тангри ва табиат тушунчасининг ўзидир" деган ҳукмни чиқарган. Табиатни, уни ўраб олган ташқи ва ички оламни у Гоббсга ўхшаб материя тушунчасининг ўзигагина боғламай, балки у "фақат ёлғиз материя ё унинг ҳолатигина эмас, материядан ташқари таг-туги кўринмас, ҳеч етиб бўлмас оламдир", деб таърифлайди. У ўзининг "Тангри, инсон ва унинг бахти ҳақида қисқа битик" асарида Яратганга тегишли бўлган барча белгиларнинг ягона, мангу, ҳеч ўзгармас эканини таъкидлайди.

Тангри ҳақидаги қарашлари ахлоқий таълимоти асосини ташкил этади. "Улуғ қудратга эга бўлган Тангри барча нарсани яратиб бўлди, шунинг учун унинг ижодкорлиги, таъбир жоиз бўлса, вазифаси шу билан тугади. Бундай хулоса чиқаришим дин ва дин пешволарига ёқмас, эҳтимол, мен билан баҳсга киришарлар, фикрларимни мутлақо қабул қилишмас. Лекин менинг фикрим шу", деб бир қарашда шаккокона хулоса чиқарган донишманд кейинчалик бу фикрларини асослашга уринади. "Қайсидир бир ҳаракатга қаратилган нарса ўз-ўзидан ҳаракатга йўналтирилган бўлмай, муайян бир мақсад, маълум бир вазифани ўз олдига қўяди. Бу мақсад ва вазифалар ёлғиз бир Яратувчининг инон-ихтиёрини ўзида акс эттирганини кўриш мумкин", дея барча нарсанинг яратувчиси ҳам, барча мавжудотнинг вазифасини белгиловчи ҳам Тангри экани, тақдири азал ҳам унинг қўлида, унинг ихтиёрида эканини ўзига хос тарзда ифодалайди. Спиноза инсон, унинг эрки, озодлиги ҳақида фалсафа юритганда эса: "Дунё жамиятларида ҳамма нарсанинг чегараси бор. Озодлик, эрк тушунчалари ҳам, инсон ҳақ-ҳуқуқи, қонун доирасида амалга оширилиши, буни қонун кафолатлаб қўйилган бўлиши лозим. **Қонунда кафолатланган озодликдан орқага чекинилганини том маънодаги озодлик дейишга қўрқаман. Инсон бу тарздаги озодликка даъво қилиши ноўрин"**, деган ғояни илгари сурган. Спиноза "инсон ягона илоҳ томонидан гарданига юклатилган вазифасини англаб етсагина ўзини ҳақиқий озод санаши мумкин"лиги борасида фикр билдирган.

Спиноза табиатни, табиат мақсадларини, шундан келиб чиқиб эзгулик ва ёвузлик, тартиб ва тартибсизлик, борлик ва йўқлик тушунчаларини ҳам ўзига хос тарзда талқин этган. У биринчи навбатда одамларнинг ўзлари каби улар умумий фикрлари ва бошқа муаммолари ҳам мавжудлигини, яна бу нарса бирор-бир мақсадга йўналтирилганини таъкидлаган. Тангри учун сира мақсадга эҳтиёж йўқ деган ғояни, тушунчани илгари суради. Унинг фикрича, одамлар ўзларининг нима учун дунёга келганларини билмасдан ўз фойдаларига ишлашга уринар экан. Ва табиий равишда бундай шахсий манфаатни ўз мақсадлари деб билишади. Улар атрофни қуршаб олган барча табиий нарсаларни "ўз фойдалари учун зарур бўлган анжомлар" қабилида қабул қилиб, ўзларининг мақсад ҳақидаги тушунчаларини ҳам унга боғлашни одат тусига айлантирган экан. Инсоннинг бундай табиий худбинона қарашларидан мақсад уларнинг яшаб қолишга ва ана шу яшаш давомида Тангрига ишонишга ва унга миннатдорлик билдиришгагина интилишдан иборат экан.

Донишманд бундай қарашнинг сохталигини Тангри ва одамзод ҳақидаги мулоҳазаларида баён этган. У Тангри эркка муҳтож эмаслигини, бу нарсани фақат одам боласи исташини ва унга яратганнинг инон-ихтиёри билан эришажагини таъкидлайди. Яна ер юзидаги кўплаб воқеа-ҳодисотлар ҳам Тангри инон-ихтёри ўлароқ юз беражагини ёзган.

Хулоса қилиб айтганда, Спиноза умрининг сўнгги нафасига қадар одам ва олам, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳақида фикр юритди. У ўз фалсафасининг диққат марказига шундай долзарб, инсон боласи учун ҳеч тугамас муаммоларни ўртага ташлаб, уни ечиш йўлларини ахтарди, маълум маънода бунга эришди ҳам.

Шу боис ҳам қисқа, аммо самарали умр кечирган донишманднинг фалсафий мероси ҳали ҳам фалсафашунослар томонидан ўрганилишда давом этмоқда.

Аббос САИД

Charxi kajraftor

ТАКСИЧИЛАРНИНГ РУТБАСИ

Лондонда таксини "такси" деб бақириб чақириш таъқиқланган. Акс ҳолда бундай ҳаракатни содир этган шахсга 100 АҚШ доллари миқдорида жарима солинади. Шунингдек, такси ҳайдовчилари "ўта юқумли касаллик"ка чалинган мижозни машинага чиқармаслик ҳуқуқига эга.

АНТИҚА ҚОИДАЛАР

АҚШнинг Индиана штатида октябр-март ойлари оралиғида ванна қабул қилиш, автомашина олди-сотдиси билан якшанба кунлари шуғулланиш, қушлар ва қуёнларнинг рангини ўзгартириш, ароқ-вино дўконларида сут сотиш, мўйлов қўйиш, жамоат боғларида тарвуз ейиш, ресторан ва қаҳвахоналарда спиртли ичимликларни тик турган ҳолда ичиш таъқиқланган. Шунингдек, Индиананинг Спейдс шаҳрида 1984 йилдан бошлаб консерва банкаларни ўқотар қуроллар воситасида отишни таъқиқловчи қонун амал қилиб келмоқда. Бундай ҳаракатни содир этганлар уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

АЁЛЛАРГА "ҲУРМАТ"...

Италиянинг Феррара шаҳрида маҳаллий пишлоқ тайёрлаш корхонаси ходимлари агар иш пайтида ухлаб қолса, қамоққа олиниши мумкин. Бу ердагилар пишлоқ ишлаб чиқаришга жиддий ёндашади, шунинг учун ҳам корхонада аёлларнинг ишлаши ман этилган. Бундан ташқари, "беҳаё кўринишда" бўлган аёллар фабрикада юриши мумкин эмас.

«ИТ БОҚМА, АЙИҚ ЕТАКЛАМА...»

Исроилда шанба кунлари бурун қоқиш қатъиян таъқиқланган. Велосипед ҳайдаш учун эса ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб этилади. Мамлакатда бундан-да антиқа қонунлар мавжуд. Хусусан, Арада шаҳрида жамоат жойларида ҳайвонларни овқатлантириш, Рамат-Гашарон шаҳрида "ротвейлер" зотли итларни боқиш, Хайфе шаҳрида эса пляжларга айиқларни олиб келиш қонун бўйича ман этилади.

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

Боливияда XX асрнинг бошларидан буён қаҳвахона ва ресторанларда аёлларнинг бир бокалдан ортиқ вино ичишларини таъқиқловчи қонун амал қилиб келмоқда. Қонун чиқарувчиларнинг фикрича, кўп миқдордаги истеъмол қилинган алкоголли ичимлик аёлларнинг "маънавий бузилиши"га олиб келиши мумкин. Бундай ҳаракатни содир қилиш нафақат жарима тўлаш билан (100 АҚШ долларигача) кифояланади, балки ажрашишнинг расмий асоси бўлиб ҳам ҳисобланади.

ҚУШЛАРГА ЁРДАМ

Мушуклар томонидан ҳужум қилинаётган ҳимояга муҳтож қушларга раҳми келган Янги Зеландиянинг Лонгберн шаҳри аҳолиси мушукларнинг уйдан бўйнида учтадан кам бўлмаган қўнқироқсиз кўчага чиқишларини таъқиқловчи қонун қабул қилишди.

РАҲМДИЛЛИК

Австралия қонунчилигига биноан ушбу мамлакатда умрбод қамоқ жазоси (ушбу жазо чораси энг олий жазо чораси бўлиб ҳисобланади)нинг муддати 25 йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Шундай бўлса-да, бу ерда ана шу жазога «талабгорлар»нинг сони жуда кам.

ПУЛНИ ЭЪЗОЗЛАНГ!

Тайландда кўчага ички кийимсиз чиқиш ман этилган. Бундан ташқари, мазкур мамлакатда маҳаллий пуллар ва тангаларни оёқ билан босиш қатъиян таъқиқланади, чунки бу пулларга қиролнинг расми туширилган.

"ХОИНЛИК"

Британия қонунчилигига биноан монархнинг расми туширилган марка тескари ёпиштирилса, бу ҳаракат хоинлик жиноятига тенглаштирилади ва ушбу ҳаракатни содир этган шахсга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилади.

Хуршида ЧОРШАНБИЕВА тайёрлади.

ЭЪЛОН

"Судлар тўғрисида"ги Қонун ва "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомга асосан Республика хўжалик судлари малака ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьялигига номзодлар заҳирасини такомиллаштириш, уларни танлаш ва жойжойига қўйишда ошкораликни таъминлаш мақсадида судьяликка номзодлар заҳирасига танлов эълон қилади.

Танловда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларида ишловчи, олий юридик маълумотга эга, юридик соҳада уч йилдан ортиқ фаолият кўрсатган, ёши 25 дан юқори бўлган, муқаддам судланмаган фуқаролар қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар Республика хўжалик судлари малака ҳайъати ва жойлардаги хўжалик судларига қуйидаги ҳужжатлар — ариза, сўровнома, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, диплом, паспорт ва меҳнат дафтарчасидан нусха тақдим этишлари керак.

Республика хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати

Мурожаат учун манзил:
700097, Тошкент шаҳар, Чўпонота кўчаси, 6-уй.
Тел: 173-91-56

Ўзбекистон йўллари

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

ҚОТИЛЛИККА БОШЛАГАН "ИШОНЧНОМА"

СУД ОЧЕРКИ

Jinoyat va jazo

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Ана энди Одилнинг нима сабабдан "Жигули" автомашинасининг олдинги сохиби ҳақидаги маълумотларни ёзиб олганига тўхталиб ўтсак бўлади.

Қайнонасидан машина эгасининг манзилини сўраб олган Одил тўппа-тўғри Олтиариққа йўл олди. Сўраб-суриштириб, излаган уйини топди, ўзига алланималарни режа қилган бўлиб, секин изига қайтди. Шундан сўнг орадан бир-икки кун ўтгач, Одил ўз ёнига ҳамтавоқларини чорлади.

— Бир жойни кўз остимга олиб келдим, — деди у йиғилганларга.

— Яқинда қайнонам олтиариқлик танишидан бир миллион икки юз минг сўмга автомашина сотиб олди. Машина сотганлар савдогарчилик билан шуғулланишади. Унча-мунча пулдан ташқари тилла буюмлари ҳам бўлиши турган гап.

— Яна ўтган сафаргидек тузоққа илиниб қолмаймизми? — деб сўради шунда Саид исмли шериги.

— Бу гапинг тўғри, — деб тасдиқлади Саиднинг фикрини Ҳасанбой исмли яна бир ҳамтавоғи. — Ушанда эҳтиётсизлик билан қўлга тушиб қолдик. Агар ойна синиб кетмаганида корейснинг топган-тутганини қўлга киритган бўлардик...

Дарвоқе, Одил, Саид, Ҳасанбойлардан иборат жиноий гуруҳ аъзолари ўтган йилнинг 8 апрел куни Қиргули туманидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи корейс миллатига мансуб Н.Кимнинг уйига ўғирликка тушмоқчи бўлишган эди. Улар арқон билан томдан уйга осилиб тушаётганларида дераза ойналарини синдириб юборишган ва шовқиндан қўни-қўшнилар уйғонишиб, милицияга хабар беришган эди. Шу сабабли жиноий гуруҳ тезда қўлга олинганди.

— Майли, бўлар иш бўлди, — деди Саид. — Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Бу гал адашмаймиз.

Шундан сўнг ҳамтавоқлар бўлғуси "тадбир"нинг режасини пишитиб олишди. Режага мувофиқ кейинги куни тунда Одил, Саид, Ҳасанбой ва Абдурахмонлардан иборат жиноий гуруҳ аъзолари Олтиариққа қараб йўл олишди. Улар ўтирган машина белгиланган қишлоқ яқинида тўхтади.

— Мен сизларни шу ерда кута қоламан, — деди киракаш мижозларига.

— Узоғи билан уч-тўрт соатларда учрашамиз, — дея жавоб берди мижозлар ҳам бараварига.

— Унда мен Олтиариқда бир танишим бор, ўшаникига бориб келаман.

Шу тариқа ҳайдовчи мижозларини шу ерда қолдириб, ўзи туман марказига кетди. Машина кетгач, Одил шерикларига белгиланган уйнинг дарвозасини кўрсатди. Шунда Ҳасанбой девордан ичкарига ошиб тушиб, қулфлоғлик эшикни ичкаридан очди. Кейин эса шерикларини чақирди. Ҳовлига кирган жиноятчилар юзларига ниқоб кийиб олишди. Бироқ негадир Абдурахмон бу ишдан бош тортди ва орқага қайтди. Шундай бўлса-да, жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари кўзланган мақсадидан қайтишмади. Улар ичкари хонада ухлаб ётган уй эгаси М.Тиллабоевни туртиб уйғотишди.

— Кимсизлар? — деб сўроққа тутди хонадон сохиби босқинчиларни. — Кечаси нега уйимга бостириб кирдиларинг?

— Жонингдан умидинг бўлса, яшириб қўйганларингни чиқар, — деди юзига қора ниқоб тақканларнинг бири, — акс ҳолда...

Қаршилик кўрсатиш бефойда эканини М.Тиллабоев тушуниб етганида, балки у тирик қолган бўлармиди? Яна ким билади дейсиз?

— Бекорларни айтибсизлар, — деди уй сохиби босқинчиларга қарата. — Менда эртиқча бойлик ҳам, тилла тақинчоқлар ҳам йўқ.

Шундан сўнг босқинчилар уй эгасига раҳм-шафқат қилиб ўтиришмади. Кимдир қўлидаги ёғоч, кимдир гурзидек мушти билан уй эгасини дўппослай кетди. Босқинчилар М.Тиллабоевни роса ҳолдан тойдиришгач, қўл-оёқларини чилвир ип билан маҳкам қилиб боғлашди. Кимдир унинг оғзига латта ҳам тиқиб қўйди. Шундан сўнг уй эгаси ҳушини йўқотди. Жиноий гуруҳ аъзолари ўзлари истаган жойни титкилай кетишди. Кимдир сандиқдан пул, кимдир яшириб қўйилган тилла буюмларни ахтариб топди. Шундан сўнг анча-мунча ўлжани қўлга киритган жиноий гуруҳ хушнуд ҳолда келишилган жойга жўнашди.

Тез орада киракаш ҳайдовчи ҳам етиб келди. Машинага ўтиришган жиноятчилар уни Марғилон яқинидаги чойхоналардан бирида тўхтатишни сўрашди. Бу ерда қуюқ зиёфат қилишгач, Саид киракаш ҳайдовчисига йиғирма минг сўм пул узатди.

— Хизматингизга розимисиз, акахон?

— Розиман, розиман, — деб жавоб берди ҳайдовчи мамнун ҳолда.

Жиноятчилар қилмишимизни ҳеч ким билмади, деб ўйлашиб, хато қилишган эди. Тезкор қидирув-суриштирув натижасида жиноятчиларнинг изига тушилди ва улар қўлга олинди. Суд ҳукмига асосан жиноий гуруҳ аъзолари қилмишларига қонуний жазо олишди.

Нафс йўлида ваҳшийликка қўл уришиб, бир бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган кимсалар қилмиши кўпчиликни ўйлантириши табиий. Зеро, бўлиб ўтган воқеа ҳар бир инсонни мушоҳадага ундайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

* * *

— Менинг дўстимга врач очлик билан даволаниш учун тавсия ёзиб беribди. Бир ой муддатга.

— Врач, беморнинг рентген тасвирини кўздан кечираркан, сўради:

— Неча ёшга кирдингиз?

— Бир ой муддатга?! Буни қаранг-а, бу муддатда у қанча пулни тежаб қолди?

— Насиб бўлса, эрта-индин қирқ ёшнинг остонасини ҳатлайман...

— Эй, сўраманг, тежаб қолган пули дафн маросимига ҳам, тўққизига, қирқига ҳам етиб, яна ортиб қолди-ёв...

— Ҳатлолмайсиз-ов...

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50